

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'ZENERGOINJINIRING AJ
акциядорларининг
2023 йил 27 июндаги йиллик
йиғилиш қарори билан.
Йиллик умумий йиғилиш раиси


Н.М. Махмудов



«O'ZENERGOINJINIRING»
AKSIYADORLIK JAMIYATI

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИР)

УСТАВ МАЗМУНИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3-4
2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ.....	4-4
3. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ, УНИ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.....	4-6
4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ВА НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ.....	6
5. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ.....	6-7
6. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ (ЗАРАРИНИ) ТАҚСИМЛАШ ВА ДИВИДЕНД ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ.....	8-9
7. ЖАМИЯТНИНГ РЕЗЕРВ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЖАМИЯТНИНГ СОФ АКТИВИ.....	9
8. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.....	9-10
9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.....	10-12
10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.....	12-15
11. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.....	15-17
12. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.....	17-19
13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	19

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг (ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) "Ўзсельэнергопроект" лойиҳа-қидирув институтини (Тошкент шаҳар Хамза тумани Хоқимининг 1998 йил 28 сентябрдаги 1117- сонли қарори билан рўйхатга олинган) "Qishloqenergoloyiha" очик акциядорлик жамиятига айлантирилиши тўғрисидаги 2002 йил 13 июндаги 153к-ПО сон буйруғи асосида ташкил этилган. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси 06.05.2014 йил ЗРУ-370 сон қонунига асосан номи "Qishloqenergoloyiha" акциядорлик жамиятига алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида" ги 2019 йил 27 март ПҚ -4249 сон қарорининг 10 бандига мувофиқ «Qishloqenergoloyiha» АЖ базасида инновацион технологиялар ва ҳозирги замон илм-фани ютуқларини қўллаган ҳолда 0,4 кВдан 500 кВгача кучланишли барча типдаги электр тармоқларини лойиҳалаштирувчи замонавий кўп тармоқли «Ўзэнергоинжиниринг» АЖ лойиҳа ташкилотини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1.3. Жамиятга Тошкент шаҳри, Хамза тумани Хоқимияти томонидан 2002 йил 18 сентябрда 07-000287 сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатида ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома берилган.

1.4. «Ўзэнергоинжиниринг» акциядорлик жамияти "Qishloqenergoloyiha" акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.5 Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:

«O'ZENERGOINJINIRING» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида – Жамият деб юритилади).

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:

«O'ZENERGOINJINIRING» AJ.

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

Joint-Stock Company «UZENERGYENGINEERING».

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

JSC «UZENERGYENGINEERING»

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерное общество «O'ZENERGOINJINIRING».

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

АО «O'ZENERGOINJINIRING».

1.6. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100076, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 1- муюлиш, 9 уй.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzenergoeng.uz, uzenergoeng@mail.ru

1.8. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzenergoeng.uz.

1.9. Жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар, шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.10. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги ўз филиалига эга:

➤ Самарканд комплекс лойиҳалаш филиали- Самарканд ш., Беруний кўчаси , 67;

Мазкур филиал юридик мақомига эга эмас ва жамият томонидан ишлаб чиқилган низомга асосан фаолият олиб боради.

1.11. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Қарорлари ва Фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига, умуммажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

1.12. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинандиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва

шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.13. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.14. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўз филиалларини, ваколатхоналарини, банк ҳисоб-рақамларини очишга ҳақлидир.

1.15. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.16. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.17. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.18. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ.

2.1. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамиятнинг фаолиятдан асосий мақсад фойда олишдир.

2.2. Жамиятнинг асосий фаолият доираси, илғор технологияларни ва илмий ютуқларни жалб қилинишини таъминлаган ҳолда, истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг турли йўналишлари учун лойиҳа ва кидирув-изланиш хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Жумладан:

➤ Ўзбекистон Республикаси электр тармоқларининг ривожланишини белгилаб берувчи ҳукумат қарорлари, миллий ва соҳавий дастур асосларини ишлаб чиқишда ва уларни амалга оширишда иштирок этиш;

➤ иқтисодиёт соҳаларининг энергобалансини прогноз қилиш ва оптималлаштириш;

➤ Ўзбекистон Республикаси электр энергиясини тақсимлаш тизими ва электр таъминотини истиқболли ривожлантириш стратегияси масалаларини ишлаб чиқиш;

2.3 Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият кундалик хўжалик фаолияти жараёнида куйидаги фаолият турларини амалга оширади:

➤ 0,4-500 кВ қучланишли нимстанциялар ва электр узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш;

➤ электр тармоқларнинг меъёрида ишлашини таъминловчи реле ҳимояси, тизим автоматикаси, телемеханика, алоқа воситалари ва бошқа қурилмаларни лойиҳалаштириш;

➤ газотурбинали, дизелли, кичик гидравлик ва бошқа турдаги электрстанцияларни лойиҳалаштириш;

➤ муқобил энергия манбаълари объектларини лойиҳалаштириш;

➤ қурилиш, таъмирлаш-эксплуатация объектлари, турар-жой уйлари ва ижтимоий соҳа объектларини лойиҳалаштириш;

➤ энергетика соҳасига доир меъёрий-услубий ва намунавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

➤ Жамият фаолияти йўналишига оид ахборот, маслаҳат, муҳандислик ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

➤ геодезия-муҳандислик изланиш, ҳамда геология-муҳандислик изланиш (жумладан бурғулаш) ишларини олиб бориш;

➤ юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан - чет эл буюртмалари бўйича энергетика соҳаси ва унга яқин бўлган ишлаб чиқариш соҳаларида маслаҳат бериш ва эксперт ишларини бажариш;

➤ лойиҳа ишларининг барча босқичларини: техник иқтисодий ҳисоблаш (ТЭР), техник иқтисодий асослаш (ТЭО), ишчи ҳужжатлар (РД), ишчи лойиҳалар (РП), иш чизмаларини ишлаб чиқиш;

➤ тендер ҳужжатларини тайёрлаш;

➤ муаллифлик назоратини олиб бориш;

- энергетик қурилиш соҳасида лойиҳалаш меъёрий базасини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш ишларини олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энергетика соҳасига оид бўлган лойиҳавий ҳужжатларни мувофиқлаштириш (адаптация);
- илмий, тижорат, техник ва экологик маълумотларни муҳандислик жиҳатдан таҳлил қилиш, йиғиш, сақлаш, ўрганиб чиқиш, химоялаш, қўллаш ва амалга ошириш, ҳамда технологияларни, патентларни, муаллифлик ҳуқуқларини, кашфиётларнинг лицензияларини сотиш ва ишлатиш учун сотиб олиш;
- корхоналарга, ташкилотларга ва жисмоний шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш, маркетинг, тижорат ва воситачилик фаолиятини юритиш;
- Жамиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- амалдаги қонунчиликка ҳилоф бўлмаган, Жамиятнинг фаолият мақсадларига таалуқли ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларини амалга ошириш;
- қонунчиликда ўрнатилган тартибда ташқи - иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;
- ижара фаолиятини амалга ошириш, кўчар ва кўчмас мулкларни ижарага бериш;
- корхона учун қўшимча фойда олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган, юқорида кўрсатилмаган, бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

2.4. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ва хизматларга, Давлат ва Энергетика Вазирлиги таркибидаги ташкилотларнинг буюртмалари Жамият томонидан биринчи навбатда бажариш учун қабул қилинади.

2.5. Жамият куйидаги ҳуқуқларга эга:

- махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари билан шуғулланиш учун, Жамият шундай махсус рухсатномани (лицензияни) олганидан сўнг шуғулланишга ҳақли;
- инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида, Жамият бу ишларга шартнома асосида субпудратчи сифатида етакчи маҳаллий ва чет эл махсус лойиҳа ва инжиниринг ташкилотларини, шунингдек соҳанинг етакчи мутахассисларини, уларнинг ишларини назорат қилиш шарти билан ишга жалб қилиш ҳуқуқига эга;
- лойиҳа ишларининг барча босқичларини ишлаб чиқиш учун, тендер жараёнларида қатнашиш мақсадида консорциумларни ташкил қилиш ёки ҳамкорлик асосида маҳаллий ва халқаро микёсда эътироф этилган компаниялар билан консорциумларда қатнашиш;
- Жамиятнинг Сифат менеджменти тизимини (СМТ) ривожлантириш ва мукаммаллаштириш мақсадида, сертификация ўтказувчи ташкилотлардан маслаҳатчиларни жалб қилиш, сертификация аудитини ўтказиш учун керакли маблағларни ажратиш, ҳамда Жамиятда СМТ юқори даражада ишлашини таъминлаётган ходимларни моддий рағбатлантириш;
- барча мураккаблик даражасидаги лойиҳа ишларини бажариш учун, зарур бўлган лицензион дастурлар, операцион тизимлар ва ускуналарни, истисно тарзида ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг расмий диллерлари билан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга;
- илмий-техник кенгашни таъсис этишда, унинг таркибига Ўзбекистон Республикасидаги илмий-тадқиқот, олий ўқув муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг етакчи олимлари, мутахассислари ва амалиётчиларини шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқига эга;
- айрим иш турларини бажариш учун, етакчи маҳаллий ихтисослашган лойиҳа ташкилотлари, ҳамда нуфузли чет эл лойиҳа ташкилотлари, маслаҳатчилар ва экспертлар билан шартнома тузиш;
- вақтинча ёки доимий тарзда шартнома асосида хорижий мутахассисларни ишга жалб қилиш ва уларнинг иш ҳақини келишув асосида маҳаллий ёки чет эл валютасида тўлаш;
- ўз ходимларининг малакасини ошириш мақсадида, етакчи ихтисослашган маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлар, ўқув марказлар, ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига ўқитиш ва амалиёт ўташ учун юбориш;
- хорижий ташкилот ва корхоналар билан иқтисодий, техникавий, технологик ҳамкорликни амалга ошириш ва кенгайтириш;
- Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши бўйича стратегия ва тактикасини шакллантириш орқали, меҳнат жамоасини ижтимоий қўллаб қувватлаш.

2.6. Жамият ўзига олган мажбуриятларни ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажарилишига маъсул.

III. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ, УНИ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар томонидан сотиб олинган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамият устав фондининг миқдори 13 167 161 000 (ўн уч миллиард бир юз олтмиш етти миллион бир юз олтмиш бир минг) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 265 (икки юз олтмиш беш) сўм бўлган 49 687 400 (қирқ тўққиз миллион олти юз саксон етти минг тўрт юз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш.

3.3. Жамият устав фонди (устав капитали) қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Устав фондини ошириш мақсадида Жамият, жойлаштирилган акцияларга қўшимча 953 861 700 (тўққиз юз эллик уч миллион саккиз юз олтмиш бир минг етти юз) оддий эгасининг номи кўрсатилган хар бирининг номинал қиймати 265 (икки юз олтмиш беш) сум бўлган, акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

Жамият уставига, жамиятнинг эълон қилинган акциялари ҳақидаги ушбу моддада назарда тутилган қоидалар билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор агар Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

3.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилладиган қўшимча оддий акцияларнинг умумий қиймати, сони, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш, нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов востиларини қайтариш тартиби белгиланади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставига, 3.5 моддасида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони, ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

3.9. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган тартибда фуқоралик – ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.10. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

3.11. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда хар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият устав фондини (устав капитали) кўпайтириши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Қўшимча акцияларни чиқариш вақтида, акциядорларга, уларнинг жамият уставига улушига мутаносиб тартибда, акцияларни биринчилар қаторида сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

3.12. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.13. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш.

3.14. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.15. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни:

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтиришга;

➤ кузатув кенгашининг қарорига кўра уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият олишга ҳақли.

3.16. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.17. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ВА НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ.

4.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Жамият акциядори деб эътироф этилади.

4.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

4.3. Битта акциянинг номинал қиймати 265 (икки юз олтмиш беш) сум.

V. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ.

5.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

5.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

5.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

5.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

5.5. Жамият томонидан Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

5.6. Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

5.7. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишига ҳақли эмас.

5.8. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган-акциядорлар:

- Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

- жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш хақида;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 84 моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ Жамият томонидан мол-мулкни олиш, ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда йирик битим деб юритилади) тузиш тўғрисида;

- Жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса, ёхуд овоз беришда узурли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси, ёки бир қисмини, Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.9. Ўзларига тегишли акциялар Жамият томонидан қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида Қонунга мувофиқ, акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.10. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш, ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишга сабаб бўладиган ҳаракати натижасида, қийматининг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда, аниқланади.

5.11. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур Жамият акцияларига эгалик қилмаган, ёки акцияларнинг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорни ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, Жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

VI. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ (ЗАРАРИНИ) ТАҚСИМЛАШ ВА ДИВИДЕНД ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ.

6.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойда, шунингдек ўтган даврлардаги тақсимланмаган соф фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тақсимланади.

6.2. Жамият зарарини қоплаш кузатув кенгашининг қарори асосида резерв фонд маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6.3. Дивиденд фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми.

6.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар ушбу Қонун ва Жамият уставида бошқача қонда белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.6. Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги хақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.8. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.9. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

6.10. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобракамига ўтказиб бериши шарт.

6.11. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, Жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

6.12. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

6.13. Жамият:

➤ Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

➤ агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

➤ агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.14. Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

6.15. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

6.16. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

VII. ЖАМИЯТНИНГ РЕЗЕРВ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЖАМИЯТНИНГ СОФ АКТИВИ.

7.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:

➤ Жамият устав фондининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдоридан захира фонди;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузади.

7.2. Жамият захира фондига ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдоридан кам бўлмаган ажратмалар ўтказилади.

7.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.5. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

7.6. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ Жамият соф активларининг қиймати унинг устав

фондидан оз бўлиб чикса, Жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

7.7. Жамиятнинг устав фондини камайтириш ёки Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари Жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.

8.1. Жамиятнинг бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи - Бош директор.



IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ.

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда Бош директор деб юритилади) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва Қонунга мувофиқ бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

Жамият, овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, фойда тақсимотига, ҳамда бошқарув ва назорат органларга номзодлар кўрсатишга ҳақли, уларни акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин ўзгартириш имконига эгадирлар.

Жамият овоз берувчи акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), молиявий йил тугагандан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш

комиссиясига (тафтишчилигига), бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда, номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайергарлик кўраётганда жамиятнинг кузатув кенгаши ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 65 – моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, умумий йиғилишини чакирувчи шахслар куйдагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайергарлик кўрилатганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Одатга кўра, Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши хар йили 28 июн куни ўтказилади. Акциядорлар умумий йиғилиши дам олиш кунига тўғри келган ҳолда, умумий йиғилишни ўтказиш куни этиб кейинги биринчи иш куни белгиланади.

9.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига куйдагилар киреди:

➤ Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

➤ Жамиятни қайта ташкил этиш;

➤ Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

➤ Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

➤ эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

➤ Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

➤ ўз акцияларини олиш;

➤ Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, Бош директорни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек Жамият кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

➤ Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожланишнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.

➤ Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

➤ Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

➤ имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

➤ акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

➤ Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

➤ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотни хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ солиққа оид, ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улишини шакллантириш, ёки ошириш тўғрисидаги қарор Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

➤ жорий хўжалик фаолиятини юритишда тузиладиган битимларни белгилаш.

➤ мазкур Жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

➤ акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

➤ акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш йўллари билан етказилади.

9.9. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида қақрилади ва ўтказилади.

Х. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

10.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан уч йиллик муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

➤ жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда, жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш.

➤ акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини қақриш;

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

➤ мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

➤ корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

➤ ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

➤ Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу

хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

➤ жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

➤ дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

➤ Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

➤ Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

➤ Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Қарор Жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин;

➤ Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни рўйхатида инобатга олинмаган, ва йиллик умумий йиғилишда тасдиқланмаган битимларни йиллик умумий йиғилишлар орасида пайдо бўлган ҳолларда, жамият томонидан кундалик хўжалик фаолият жараёнида, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда, аффилиланган шахс билан тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) Жамият кузатув кенгаши маъқуллаш (тасдиқлаш) ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли;

➤ Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

➤ Жамиятнинг жорий иқтисодий фаолиятини таъминлаш учун моддий техника ресурслари рўйхатини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шуниндек Жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш.

➤ қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

➤ қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

➤ Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

➤ Жамиятнинг кузатув кенгаш аъзолари, ижро органи, ходимларидан ва жалб этилган экспертлардан (тегишли соҳа мутахассислар, йўналиш бўйича ОУЮТи ўқитувчилари ва бошқалар.) иборат Кузатув кенгаш қошида комитетлар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш;

Бунда, миноритар акциядор Жамият бошқарув органлари фаолиятига, ҳужжатларни асоссиз талаб қилиш билан ва конфиденциал маълумотлар, тижорат сирларидан фойдаланиш орқали, тўсқинлик қилиши тақиқланади.

10.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киради.

10.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

10.6. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

10.7. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.8. Жамият кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

10.9. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

10.10. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

10.11. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси ҳар чорақда камида бир маротаба, кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, шуниндек Жамият уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Зарур бўлган ҳолларда, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Жамиятнинг жаъми акциялари миқдоридан бир фоиз овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), кузатув кенгаш йиғилишини чақирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар, овоз бериш жараёнида ўз позицияларини шакиллантириш мақсадида, акциядорлар келишувини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

10.12. Жамият кузатув кенгашининг қарори кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қончилиқда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

10.13. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, Жамият Бош директори ва бошқарув аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда, белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган, ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонунда белгиланган ҳоллар мустасно.

10.15. Жамият кузатув кенгаши ўз фаолиятини "Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом" асосида иш олиб боради.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

11.1. Жамиятнинг кундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади), чет эллик менежер иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

Ижроия органи аъзолари, акциядорлар вакили сифатида чикувчилар, ижроия органи аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

11.3. Жамият Бош директорининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.4. Жамиятнинг Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.5. Жамият Бош директорининг ҳуқуқлари:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
 - Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
 - Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
 - банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо қўйиш;
 - Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;
 - ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
 - ходимларнинг штат жадвалини аниқлаш ва тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
 - Жамиятнинг ишчиларига ҳақ тўлашни (барча турдаги мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда меҳнат иштироки коэффицентини қўллаш) белгилаш;
 - нафақага чиқаётган Жамият ишчиларига бир марталик мукофот тўлашни белгилаш;
 - Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
 - Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
 - Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
 - Жамият ваколатхоналари ва филиаллари раҳбарлари учун мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
 - Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
 - Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалардан ташқари;
 - ўз ходимларини ўқитиш ва малака ошириш учун етакчи маҳаллий лойиҳа институтларига, хорижий инжиниринг компаниялари ўқув марказларига, ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига амалиёт ўташ учун юбориш;
 - хорижий ташкилот ва корхоналар билан иқтисодий, техникавий, технологик ҳамкорликни амалга ошириш ва кенгайтириш;
- 11.6. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари:
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
 - Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
 - Жамият бизнес-режасида кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
 - Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
 - Жамиятнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
 - амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлаш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

11.7. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, Жамиятнинг мазкур уставда ва у билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан Жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.8. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.9. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

11.11. Жамият кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

11.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши томонидан Жамият Бош директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бош директори ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

11.13. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

11.14. Бош директор қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

11.15. Бош директор мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамиятнинг “Ижроия органи (Бош директор) тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

XII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

12.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айтиб ўтиш керакки, бир шахс айтиб ўтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

12.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади;

➤ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра хулоса тузади ва бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига баҳо беради;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотни кўрсатади;

➤ Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади;

➤ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра хулосани акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тақдим этади;

➤ зарурат туғилганда ёзма талаб асосида Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

12.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айтиб ўтиш Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

12.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.

12.7. Активларнинг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган ҳолда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

12.8. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш, ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг ички аудит хизмати ички назоратни амалга оширади, шу жумладан 50% устав капитали жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар бўйича.

12.9. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

12.10. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

12.11. Зарур бўлган ҳолларда Жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

12.12. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

12.13. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирилмай Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, дастлабки тарзда, тасдиқланиши лозим.

12.14. Жамият, Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ, ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин, эълон қилиши шарт.

ХIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

13.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар

Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.


13.2. Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

13.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

13.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

13.5. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Бош директор



Абдужаббаров З.Ю.

СВИДЕТЕЛЬСТВО



О государственной регистрации юридического лица

Юридическое лицо

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "О`ZENERGOINJINIRING"

Полное наименование юридического лица - хозяйствующего субъекта с указанием организационно-правовой формы

АО "О`ZENERGOINJINIRING"

Сокращенное наименование юридического лица

200 837 409

Идентификационный номер налогоплательщика

Организация (реорганизация, иная регистрация, изменение сведений)

02.06.2017

Дата

07-000287

Подтвержден

Организационно-правовая форма:

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО

Место осуществления деятельности:

ГОРОД ТАШКЕНТ, ЯШНОБОДСКИЙ РАЙОН, М.ASHRAFIY KO`CHASI, 1-MUYULISH,

Свидетельство выдано:

YASHNOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1201347





Информация об изменении данных

До изменения

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)
200 837 409

Наименование
O' ZENERGOINJIRING

Организационно-правовая форма
Акционерное общество

Местоположение (адрес)
город Ташкент, Яшнободский район, M.ASHRAFU KO' CHASI, 1-MUYULISH.

После изменения

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)
200 837 409

Наименование
O' ZENERGOINJIRING

Организационно-правовая форма
Акционерное общество

Местоположение (адрес)
город Ташкент, Яшнободский район, M.ASHRAFU KO' CHASI, 1-MUYULISH.

Информация об изменении данных

Старые основатели

Юридическое лицо
YURIDIK VA JISMONIY SHAXSLAR

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):
200837409

Сумма: 13 167 161 000
сум

Доля:
100.00%

Уставный фонд
13 167 161 000 сум

11.08.2023

Дата получения свидетельства

2239936

№ заявки



1201346

11.08.2023

Дата получения свидетельства

2239936

№ заявки



1201346



Министерство Юстиции
Республики Узбекистан

Информация об изменении данных

Акции после изменения


Сведения об акции
Простые акции

Количество акции: 49687400

Стоимость акции: 265 сум

Уставный фонд

13167161 000 сум



11.08.2023

Дата получения свидетельства

2239936

№ заявки

1201346

